

ТАЛАБА ХОТИН-ҚИЗЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ- ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

Турсунова Дилнавоз Тўлқин кизи

Фарғона давлат университети Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6767421>

Аннотация. Мақолада давлатнинг хотин-қизларга доир сиёсати, бу борадаги устувор йўналишлар ва тамойиллар, уларнинг ижтимоий-педагогик асослари, талаба қизларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш зарурати, унинг маънавий аҳамиятига оид илмий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: фаоллик, ижтимоий фаоллик, талаба, хотин-қизлар, оила институти, демократик қадрият, маънавий тарбия.

ПРИОРИТЕТНЫЕ ПРИНЦИПЫ И ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ У СТУДЕНТОК

Аннотация. В статье даются научные выводы о политике государства в отношении женщин, основных направлениях и принципах в этом отношении, их социально-педагогической основе, необходимости социальной защиты студенток, их духовной значимости.

Ключевые слова: активность, социальная активность, студент, женщина, институт Семьи, демократические ценности, духовное воспитание,

PRIORITY PRINCIPLES AND PSYCHOLOGICAL-PEDAGOGICAL FACTORS OF DEVELOPMENT OF SOCIAL ACTIVITY IN FEMALE STUDENTS

Abstract. The article gives scientific conclusions on the policy of the state on women, the main directions and principles in this regard, their socio-pedagogical basis, the need for social protection of student girls, their spiritual significance.

Keywords: activity, social activity, student, Women's, democratic value, Spiritual Education, Family Institute.

КИРИШ

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллабқувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда,

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши жамият ва халқ ҳаётининг барча соҳалари қатори, хотин-қизларнинг ижтимоий ва иқтисодий жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ жабҳаларида туб бурилишлар ясади. Ушбу жараённинг таркибий қисми сифатида намоён бўлган бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жамияти асосларининг мустаҳкамланиши туфайли давлатнинг хотин-қизларга доир сиёсати тўғрисидаги қарашлар ва бунда ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши натижасида ёш авлод қиёфасидаги ўзгаришлар ҳамда бу ўзгаришларнинг ижтимоий тараққиётга таъсири муаммоларини ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Ушбу йўналишдаги фаолиятнинг тўғри ташкил этилиши, нафақат жамият тараққиётини таъминлаш, балки яна кўплаб соҳалар, ҳатто уни бошқаришга ҳам ижобий жиҳатдан таъсир этиб, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ривожини таъминлай олиши маълум бўлмоқда. Шундай экан, ижтимоий фанлар тизимида давлатнинг хотин-қизларга доир сиёсати билан ушбу масала чуқур ўрганилиши, айниқса ижтимоий фалсафа, социология ва сиёсий фанларда эътибор билан таҳлил қилиниши лозимлиги давр талабига айланиб бормоқда.

Хотин-қизлар ўзини англаётган бугунги давр икки хусусияти билан ажралиб туради.

Биринчидан, азалдан ижтимоий-сиёсий воқелиқда авлодлардан-авлодларга сингиб келган миллий ва умумбашарий қадриятлар тизими мавжуд.

Иккинчидан эса, замонавий жамиятларга хос, баъзан шахсий индивидуализм ғояларини ўзига сингдирган либерал қадриятлар тизими хотин-қизларга ўз таъсири ўтказди. Шу билан бирга, жамиятда кечаётган табақаланиш, ижтимоий қатламларнинг ранг-баранг гуруҳларга бўлиниш жараёни хотин-қизларда ватанпарварлик ва миллатпарварлик хусусиятларини шакллантиришга бўлган талабни бир-неча бор оширади. Натижада бойлар – камбағаллар, маҳаллий халқ – келгиндилар, шаҳарликлар – қишлоқликлар, «бизники»лар – «ўзгалар», зодагонлар – омилар, омадлилар – омадсизлар, етакчилар – аутсайдерлар (четда қолиб кетганлар) каби турли-туман ва тамоман бири-бирдан ўзгача қатламларни бирлаштириб, бош мақсадларга йўналтириб, ўзаро ҳамфикр ва ҳаммаслак қила оладиган ягона мафкура, ягона ғоявий тизим зарурлиги кун тартибига чиқади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Талаба хотин-қизларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг фалсафий, ижтимоий-антропологик масалалари А.Бегматов, А.Маврулов, Г.Туленова, Ж.Туленов, М.Каҳҳарова, Э.Юсупов ва бошқаларнинг изланишларида тадқиқ қилинган.

Талаба хотин-қизларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг педагогик масалалари юзасидан Б.Адизов, Б.Рахимов, Г.Ж.Туленовалар, Д.Рўзиева, Д.Шарипова, З.Исмаилова, Қ.Қ.Куранбоев, М.Қурононов, М.Махмудова, Н.А.Муслимов, Н.Ортиқов, Н.Эгамбердиева, О.Жамолдинова, О.Мусурмонова, Р.Джураев, Ў.Қ.Ғолипов, У.Маҳкамов, Х.И.Ибрагимов, Ш.Мардонов, Ш.Шарипов, Ш.Шодмоновалар томонидан илмий изланишлар амалга оширилган.

Мазкур муаммо юзасидан хорижлик А.Аmutio, А.Smit, А.Yolanda, К.Franco, L.Breeman, R.Sears, R.O.Renye каби олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Бугунги шиддатли ва зиддиятли замонда хотин-қизлар тафаккурини миллийлик руҳида шакллантириш табиий равишда хотин-қизларни мафкуравий таҳдидлардан асраш масаласини долзарб муаммога айлантиради. Чунки, Ш.Паҳрутдинов таъкидлаганидек, «Таҳдид – ижтимоий-сиёсий вазият бўлиб, у муайян тарихий даврда аниқ бир мақсадга, яъни ижтимоий тизим сифатида давлатнинг сиёсий асосларини заифлаштиришга, емиришга, шунингдек, инсон ҳаётини фаолиятини издан чиқаришга, умуман яшашни чигаллаштиришга қаратилган ҳудудий-минтақавий, умумсайёравий омилларнинг кириб келиши туфайли содир бўлади. Бу эса, ўз навбатида, зарурий чора-тадбирлар тизимини

ишлаб чиқишни тақозо этадики, унинг амалга оширилиши натижасида мамлакатда сезиларли ижобий силжишлар рўй беради»[1].

Айни пайтда, хотин-қизларда турли давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида мувофиқлаштиришнинг етарли даражада эмаслиги кўзга ташланади.

Демак, бугунги кунда хотин-қизларнинг тармоқланган замонавий инфраструктурасини ташкил этиш, унинг фаолиятини мунтазам таҳлил қилиш ва молиялаш зарур. Хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини турли нодавлат ва жамоат ташкилотлари тизими орқали бошқариш ҳамда давлат равнақига йўналтириш хотин-қизлар ва давлат мақсадларининг яхлит олиб борилишига хизмат қилади. Шу маънода, хотин-қизларнинг замонавий ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган турли тизимлар фаолиятини ривожлантириш, ахборот-таҳлил, таълим, техник марказлар ишини яхши йўлга қўйиш уюлмаган хотин-қизларни илмий-қийин ва илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга имкон яратади. Шунингдек, хотин-қизлар масалаларини илмий тадқиқ этиш бўйича ягона методик стандартларни яратиш ҳам давр талабидир.

Хотин-қизлар билан ишлашнинг янги замонавий услублари улар фаолиятини яхши йўлга қўйиш ва тафаккурини шакллантиришга қаратилган турли тадбирларни, сиёсатшунослик, социология, педагогика, психология каби фан соҳаларининг умумий саъй-ҳаракатларини, яъни илмий изланишларни талаб қилади. Хотин-қизлар билан ишлашнинг барча замонавий услубларини миллий манфаатлар асосида қайта шакллантириб, амалиётга жорий этиш долзарб муаммодир. Бугунги кунда хотин-қизлар қатламининг ўзида турли-туманлик, ранг-баранглик, манфаатлар хилма-хиллиги кузатилади. Ана шу ранг-баранглик асосида ҳар бир ёш учун иш услубларини тўғри белгилаш, уни демократик кадриятлар руҳиятида тарбиялаш хотин-қизларни бузғунчи ғоялардан асрашнинг самарали шакли ҳисобланади. Шу билан бирга, манфаатлар хилма-хиллиги асосида жамиятда ички зиддиятлар ортиб боради. Бунда турли манфаатли хотин-қизларни бош мақсад – фуқаролик жамияти қуриш атрофида бирлаштириш истиқболдаги барқарорлик, тинчлик ва фаровонлик асоси бўлиши табиий.

Хотин-қизлар билан ишлашнинг замонавий усул ва воситаларини илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш сиёсатшунослик фани олдида турган долзарб вазифалардандир. Хотин-қизларда сиёсий жараёнлар, мамлакатда кечаётган ислохотларга ижобий муносабатни шакллантириш, уларда сиёсий кадриятлар тизимига қизиқиш уйғотиш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, давлат ва хотин-қизларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш айнан хотин-қизлар билан ишлашнинг замонавий усул ва воситалари масаласига боғлиқ. Хотин-қизлар ва давлат орасида бевосита вертикал ва горизонтал мулоқот, яъни ахборот коммуникациялари ҳамда транспарентликни жорий этиш улар ўртасида ишонч ва янгилашнишларга алоқадорлик ҳиссининг ортишига хизмат қилади. «...ахборот коммуникация технологиялари қанчалик ривож топгани сари, унинг афзаллиги ва қулайликларидан фойдаланиш билан бир қаторда, бутун мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масалага айланиб бормоқда»[2].

Ижтимоий педагогика нуқтаи назаридан, давлатнинг хотин-қизларга доир сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий асослари билан боғлиқ ҳодиса ва жараёнлар ўзаро диалектик алоқада ўрганилиб, яхлит бир ижтимоий объектни ташкил этишини алоҳида

таъкидлашимиз лозим. Давлатимизнинг ушбу йўналишдаги сиёсатига хос алоҳида олинган ҳодиса ва жараёнларни ушбу яхлит тизимнинг айрим элементлари сифатида эътироф этишимиз зарурлиги аён, албатта.

Замонавий Ўзбекистон тажрибаси шундан далолат берадики, мустақилликнинг ўтган йиллари давомида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳот натижалари, халқ маънавиятининг тикланиши, бой, миллий тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналарнинг асраб-авайланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим равнақи хотин-қизларга оид сиёсат самарадорлигини ошириш масалалари билан узвий боғлиқдир. Бу соҳалардаги ислоҳотлар ва уларнинг бугунги кундаги юксак натижалари ушбу сиёсатнинг самарали амалга ошишини таъминлашга қаратилган нафақат иқтисодий, сиёсий омиллар, балки маънавий асосларнинг ҳам ниҳоятда мустаҳкам заминга таянишини яққол кўрсатиб турибди.

Масаланинг бу жиҳатини тадқиқ қилган баъзи олимлар самарали хотин-қизлар сиёсати Ғарб цивилизациясининг бир неча асрлик тараққиёти натижаси ва бугун унинг ютуқлари ушбу соҳада акс этмоқда деб ҳисоблайдилар. Аммо масалани кенг таҳлил қилиш, айниқса Шарқ қомусий олимларининг меросини чуқур ўрганиш, бу қарашларнинг бир томонлама хусусиятга эга эканлиги, уларда кўпроқ европамарказчилик тенденциялари устиворлигини яққол кўрсатади. Шу билан бирга, таҳлил Шарқ халқларига хос хотин-қизлар тарбияси тамойиллари ва бу соҳада узоқ тарихий тараққиёт натижасида шаклланган маънавий омиллар ва урф-одат ҳамда миллий анъаналар замонавий Ўзбекистонда хотин-қизларга доир давлат сиёсатини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг муҳим асосларидан бири бўлаётганидан далолат беради. Айни шу маънода, «...Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдишларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир»[3].

Узлуксиз ва кенг қамровли бу жараён туфайли мамлакатимиз аҳолиси, айниқса ҳали тажрибаси йўқ, эндигина ҳаётга кириб келаётган хотин-қизларимизни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, уларда мустақиллик тафаккури ва замонавий дунёқарашни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг ниҳоятда долзарб жабҳаларидан бирига айланмоқда. Аммо бу соҳада муаммолар йўқ, деб бўлмайди, амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалар ҳам талайгина.

МУҲОКАМА

Айни вақтда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, янги таҳдид ва тажовуз ўчоқлари кўпайиб, янада хатарли даражада намоён бўлаётгани маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Бу эса соҳада тўпланиб қолган қатор муаммоларни ҳал қилишни тақозо этади. Жумладан, хотин-қизларимиз онги ва қалбини забт этишга қаратилган маънавий таҳдидларнинг асосий қисми интернет орқали амалга оширилаётганига қарамай амалда тарғибот ишларини анъанавий шаклда ўтказиш билан чекланилмоқда;

олий таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш сифати, хусусан, миллий ғоя ва маънавият асослари ихтисослиги бўйича тайёрланаётган бакалавр

ва магистрларга қўйилаётган вазифалар бугунги кун талаблари даражасида эмаслиги уларнинг мафкуравий кураш олиб бориш борасида тўлақонли, профессионал мутахассислар бўлиб етишиши имконини бермаяпти;

оила, маҳалла ва таълим муассасаларида хотин-қизлар тарбиясида халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлиги – миллий тарбия усуллари етарли жорий этилмаганлиги жамиятда меҳр-оқибат, оилавий тотувлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, хотин-қизларга эъзознинг сусайишига олиб келди, хотин-қизларда таълим олишга бўлган қизиқиш ва давомат жиддий ижтимоий муаммога айланди.

Мамлакатимизда ушбу қайд этилган ҳолатларга барҳам бериш, хотин-қизлар орасида соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ҳамда ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, «жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда фаол қатнашаётган инсонларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим»[5]. Аммо, шунга қарамай хотин-қизлар орасида ўз жонига қасд қилиш, гиёҳванд, алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, ОИТС ва ОИВ касалликлари билан касалланиш каби салбий ҳолатлар сақланиб қолмоқда.

Бу нуқтаи назардан, алоҳида қайд этиш жоизки, хотин-қизларга доир давлат сиёсати қотиб қолган ва ҳеч қачон ўзгармайдиган константаларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки жамият тараққиёти ва давр талаблари таъсирида муттасил янгиланиб, замонга мослашиб борадиган усул ва воситалар, амалга ошириладиган чора-тадбирлар, турли дастурлар мажмуидир.

Шу маънода, ҳар қандай даврда ҳам, унинг амалга оширилиши, чуқур диалектик жараён бўлиб, муттасил ўзгаришлар ва янгиланишларни назарда тутиш зарурлигини англади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикри хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг бугунги кунлардаги энг асосий мақсад-муддаолари ва устивор йўналишларини аниқлаш ва англашда ниҳоятда муҳим назарий дастуруламал бўлиб ҳисобланади: «Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун хотин-қизларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюлмаган хотин-қизлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз»[7]

ХУЛОСА

Хуллас, талаба хотин-қизларда ислохотларга дахлдорликни шакллантиришда янгиланиш ва ворисийлик тамойилларининг қисқа таҳлили давлатимизнинг хотин-қизларга оид сиёсати ҳаётнинг барча соҳаларидаги кенг қамровли ислохотлар, жамиятдаги туб ўзгариш жараёнлари билан боғлиқ равишда амалга ошмоқда. Истиклолнинг дастлабки

давриданок, хотин-қизларга оид давлат сиёсати уларни ижтимоий ҳимоялаш, демократик ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг фаол иштирокчиларига айлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, турли соҳалардаги имкониятларини янада кенгайтириш каби масалаларни ҳал қилишга йўналтирилди. Шу аснода, хотин-қизларга жамият ривожиди «портлаш» эффектани вужудга келтирувчи омил, мамлакат кадрлар захирасини шакллантирувчи асосий куч, келажакка қаратилган бунёдкорлик фаолиятида таянч ва суянч сифатида қараш анъанаси шаклланди. Бугунги кунда хотин-қизларда ислоҳотларга дахлдорликни шакллантиришда янгиланиш ва ворисийлик тамойилларини барқарор қилишга қаратилган хотин-қизлар сиёсати мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадлари билан узвий алоқадорликда амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида, хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг янги босқичига қадам қўйгани, сифат жиҳатидан ўсгани, такомиллашгани ва самарали амалга оширилаётганидан далолат беради.

Ушбу фикрдан кўринадики, айнан хотин-қизлар сиёсатини амалга оширишда юксак маънавиятли кишиларни, яъни маънан баркамол авлодни шакллантирмай туриб, бугунги мустақиллик даврига мос хотин-қизларга хос бўлган қадриятлар, идеаллар ва тамойилларни қарор топтириб бўлмайди. деган чуқур маъноли сўзлари бежиз айтилмагани яққол кўринади. Ушбу сўзлар ўтган аср бошидақанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам шунчалик муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар:

1. Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Тошкент: Академия, 2001. – 11-12-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил, 15 декабрь.
3. Ғуломов С. Маънавий ривожланиш – миллий тикланиш омили // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент: 2008. – Махсус сон. – 9 б.
4. Абу Ҳомид Ғазолий. Кимийё саодат. -Тошкент: Адолат, 2005. 29 бет.
5. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт қафолатидир // URL – <http://uzlidep.uz/uzc/news/demokratik-islohotlarni-izchil-davom-ettirish-halkimiz-uchun-tinch-va-osoyishta-munosib-khayot>
6. Тайлакова Ш.Н. Ўқувчи – хотин-қизлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Тошкент, 2019. – 22 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь
8. Сиддиков, И. Б. (2018). Социально-философские аспекты формирования интеллектуальной культуры молодежи. *Theoretical & Applied Science*, (1), 61-66.
9. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).

10. Сиддиков, И. Б. (2019). Государственная политика в отношении молодежи в Узбекистане: национальный опыт и реальная необходимость международных инициатив. In *Условия социально-экономического развития общества: история и современность* (pp. 38-43).
11. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16(2), 55-59.